# ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

## КАМОЛОТ ЙИЛЛАРИ

### БУХОРО

Бухоро область партия ташкилотларининг ажойиб анъаналари бор: бир марра кўзландими, иқбол режаси тузилдими, барча шаҳар ва район партия ташкилотлари уни мукаммал амалга оширмоқ учун ҳамжиҳат бўлиб, ғайрат билан иш тутадилар. Партия, хўжалик, қурилиш масалаларини бамаслаҳат ҳал қиладилар. Энг муҳими, ҳар бир КПСС аъзоси қайси лавозимда бўлишидан қатъий назар, топширилган иш учун масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда олға интилади.

Бухоро область партия конференциясида кўпроқ коммунистларнинг шу фазилатлари, жанговарлик, ишчанлик қобилияти ҳақида гапирилди. Партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари белгилаб берган жуда катта режаларни амалга ошира бориб, халқ хўжалигини ривожлантириш, меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш йўлида эришилган ютуқлар чуқур таҳлил қилинди. Конференцияда ҳисобот доклади қилган Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. Муртазоев область саноати, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда бошқа соҳаларда саккизинчи беш йилликда эришилган марралар ҳақида сўзлади. Шу билан бирга, докладчи делегатлар эътиборини ҳали ҳал этилмаган муҳим масалаларга, навбатдаги вазифаларга қаратди.

Область партия ташкилоти коммунистлари моддий ишлаб чиқаришнинг ҳамма жабҳаларида янги-янги резервларни қидириб топишга, фан ва илғор тажриба ютуқларидан кўпроқ фойдаланишга даъват этмоқда. Эришилган муваффақиятларни ҳар тарафлама мустаҳкамлаш ва кўпайтиришда шахсий намуна кўрсатишга ундаяпти. Ҳозирги вақтда Бухорода ишлаб чиқариш кучлари ғуркираб ривож топмоқда. Бу партия кадрларининг ўз бурчларини сидқидилдан бажараётганликларидан далолат беради.

Қишлоқ хўжалиги — деб таъкидлади докладчи, — айниқса пахтачилик область экономикасида етакчи соҳа бўлиб қолди. Кейинги беш йилликда бухоролик деҳқонлар мамлакат дурдонаси хазинасига аввалги беш йилликдагига нисбатан 569,3 минг тонна кўп пахта тўкдилар. Жуда кўп колхоз ва совхозлар экономикаси мустаҳкамланди. Ўтган юбилей йилида қишлоқ коммунистларининг ғайрати ва ташаббуси туфайли пахтачиликда юксак марралар эгалланди. Область республикада биринчи бўлиб планни бажарди ва давлатга пландан ташқари 106 минг тонна «оқ олтин» ҳадя этди. Ҳар гектар ердан 29,6 центнердан ҳосил кўтарилди.

Ўтган конференциядан буён қўлга киритилган муваффақиятларнинг характерли томони шундаки, ҳисобот даврида 20 центнердан кам ҳосил олган бирорта ҳам хўжалик қолмади. Эндиликда Бухорода 45-50 центнерчилик ҳаракати кун тартибига қўйиляпти ва шунга эришилмоқда. Свердлов районидаги Ҳамза номли колхоздан Абдулла Кўкламов, «Ленинград» колхозидан Турсун Муродов, Ромитан районидаги «Октябрь» колхозидан Азим Фузаилов, Қизилтепа районидаги «Бухоро» колхозидан Пирим Пўлатов ўртоқлар бошлиқ бригадалар юбилей йилида ҳар гектар ердан 45-50 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга муваффақ бўлдилар.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати деҳқонларимиз ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Дала меҳнаткашларига жуда кўп техника, терим агрегатлари, минерал ўғитлар етказиб бераётир. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. КПСС XXIII съезди номли Аму — Бухоро машина канали, «Октябрь 50 йиллиги» номли Шофиркон гидроузели, Тошработ канали ва бошқа йирик сув иншоотларининг қуриб ишга туширилгани қадимий воҳада деҳқончилик маданиятининг барқ уриб ўсишини таъминламоқда.

Лекин область партия ташкилоти ва хўжалик раҳбарлари алмашлаб экиш бўйича ҳали катта иш қилишлари керак. Баъзи хўжаликларда бу масалага нотўғри муносабатда бўлинганлиги натижасида кўрсаткичлар кўнгилдагидек бўлмади.

Областда колхозчилар, совхозларнинг ишчилари йил сайин кўпроқ даромад олмоқдалар. 1965 йилда бир колхозчининг йиллик иш ҳақи ўртача 663 сўм бўлса, 1970 йилда бу рақам 1090 сўмни ташкил этди. Меҳнаткашлар пул даромадларининг ошганлиги қишлоқларда турмуш маданиятининг юксалишига, ободончиликнинг равнақ топишига асос бўлмоқдаки, бу колхозчилар манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Областда чорвачиликни ривожлантиришда ҳам жиддий нуқсонлар бор. Айрим районларда чорва моллари туёғини тиклаш ва кўпайтириш топшириқлари бажарилмай келяпти. Фермалардаги ишларни механизациялаштириш. «арча» усулидаги серунум агрегатлардан кенг фойдаланиш қониқарсиз аҳволда. «Узсельхозтехника» область бирлашмалари бу соҳада хўжаликларга етарли ёрдам кўрсатмаётир.

Докладчи ҳисобот даврида партиявий иш услубларини такомиллаштириш, партия ички демократиясини мустаҳкамлаш, омма билан алоқани янада яхшилаш, хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига янада дадиллик билан кўтаришда ижобий натижаларга эришилаётганини кўрсатиб ўтди. КПСС XXIII съезди қарорларини турмушга татбиқ этиш, идеология ишини янада юқори поғонага кўтариш, кадрларни юксак эътиқод руҳида тарбиялаш область партия ташкилоти диққат марказида бўлиб келди. Партия ташкилотларининг омма билан алоқаси мустаҳкамланди. Идеология ишларининг савияси анча ошди. коммунистларнинг марксча-ленинча ўқувини ташкил этишда муайян ютуқларга эришилди. Партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг «Ярославль шаҳар партия ташкилотларида партия йиғилишини ўтказиш практикаси тўғрисидаги» қарори асосида партия йиғилишларини ҳақиқий тарбия мактабига айлантириш соҳасида анчагина ишлар қилинди, ўз-ўзини танқид тағин ҳам кучайтирилди.

Ҳисобот даврида партия сафлари энг яхши, ишбилармон, серғайрат кишилар ҳисобига кенгайди. Ҳозирги вақтда областда 1081 бошланғич, 1777 бошланғич цех партия ташкилотлари ҳамда 509 партия группалари атрофига уюшган 38.000 партия аъзоси ва аъзоликка кандидатлар мавжуд.

Ҳисобот даврида КПСС аъзоларининг сони 6334 кишига кўпайди. Янгидан 181 бошланғич, 327 цех партия ташкилотлари ва 208 жойда эса партия группалари тузилди. Барча бошланғич партия ташкилотларида партиявий,ташкилий ишлар савиясини яхшилаш, коммунистларнинг жанговарлик, ишчанлик қобилиятларини ошириш, топширилган иш учун масъулиятни кучайтиришга жиддий эътибор берилди. Саноат корхоналарида, қурилиш трести ва алоқа ташкилотларида, колхозлар ва совхозларда коммунистларнинг авангардлигини таъминлаш бош вазифа қилиб қўйилди. Кадрлар — партиямизнинг олтин фондидир. Партия ташкилотлари кадрларни танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйишда муайян муваффақиятларга эришдилар.

Музокарада қатнашган кўпчилик делегатларнинг сўзлари мароқли, принципиал характерда бўлди. Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **У. Камолов** саноат, қурилиш ташкилотларида ҳалигача ишга солинмаётган резервлардан тўлароқ фойдаланиш, КПСС XXIV съездини ҳар тарафлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиш тўғрисида гапирди. — Бухорода тикланаётган ип йигирув комбинати тўққизинчи беш йилликнинг зарбдор объекти бўлади, деди у. — Корхона қурилишини янада жадаллаштириш, бир қатор фабрикаларни реконструкция қилишда шаҳар коммунистлари ибрат кўрсатадилар.

Конференция делегати, СССР Олий Советининг депутати, донгдор сут соғувчи **М. Ғаффорова** Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхози сут-товар фермаси коммунистларининг чорвачиликни рентабелли соҳага айлантириш соҳасида қилаётган ишлари ҳақида гапирди. У жамоат чорвачилигини ривожлантиришда коммунистларнинг масъулиятини ошириш зарурлигини уқтирди.

Сўзга чиққан Қоракўл район ижроия комитетининг раиси **С. Жўраев** бундай деди: — Район коммунистлари ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш, деҳқончилик маданиятини кўтаришда катта ишларни амалга оширдилар. Натижада бултур давлатга пландан ташқари 10.000 тонна пахта етказиб берилди. Қишлоқ ва посёлка советларида меҳнаткашларга ғамхўрлик қилиш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига лозим даражада қулоқ солиш кучайтирилди. Депутатлар уй-жой, ободончилик, социал таъминот, коммунал хизмати кўрсатишда авангард бўлиб келишяпти.

Навоий районидаги Навоий номли колхознинг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати **Р. Ғойибова**, Бухоро педагогика институти партия ташкилотининг секретари **М. Қурбонов**, Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг чўпони **П. Сулаймонов** ва бошқа ўртоқлар ишлаб чиқариш кучларини тағин ҳам ривожлантириш, қурилиш объектларида капитал маблағларни тўла ўзлаштириш чоралари тўғрисида гапирдилар.

Доклад юзасидан бўлган музокарада қатнашган турли касбдаги коммунистлар область экономикаси ва маданиятини юксалтириш, хўжаликка партия раҳбарлигини кучайтиришга қаратилган ўз мулоҳазаларини рўй-рост айтиб ўтдилар ва тўққизинчи беш йилликнинг юксак режаларини белгилаб олдилар. Конференцияда делегатлар Коммунистик партиянинг, КПССнинг ленинчи Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси ўтказиб келаётган ички ва ташқи сиёсатни якдиллик билан маъқуллаётганликларини изҳор этдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг мудири ўртоқ **Г. М. Орлов** иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Конференция Бухоро область партия комитетининг янги составини сайлади, ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездига ва КПСС XXIV съездига делегатлар сайлади.

Янги сайланган область партия комитетининг биринчи ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ўртоқ **Қ. М. Муртазоев** область партия комитетининг биринчи секретари, ўртоқ **В. Н. Петров** иккинчи секретари, **Х. Н. Мўминов**, **А. А. Абдураупов** ўртоқлар обком секретарлари қилиб сайландилар.

**О. УСМОНОВ,**
**Т. НАЗИРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**

## КОММУНИСТНИНГ МАСЪУЛИЯТИ

### ФАРҒОНА

Бу ғалги партия конференцияси саккизинчи беш йиллик якунланиб, коммунистик қурилишнинг янги босқичидаги вазифалар белгиланаётган. КПСС XXIV съезди шарафига умумхалқ мусобақаси ғоят кучайган қутлуғ кунларга тўғри келди. Шу боисдан ҳам Фарғона меҳнаткашларининг энг илғор қисми, авангарди бўлган 46 мингдан зиёд коммунистлар номидан вакил бўлиб келган 5590 га яқин делегатнинг ҳар бири ўз коллективининг, бутун область меҳнат аҳлининг фикрини, режаларини бу катта анжуманга олиб келди. Конференция очилиши олдидан ана шу режалар, ўй-фикрлар ҳақида делегатлар билан суҳбатлашдик.

— Ўтган йиллар чиндан ҳам камолот йиллари бўлди, — дейди Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхоз раиси Рисолат Эргашева конференция олдидан қилган суҳбатимизда.— Хўжалигимизнинг бугунги қиёфаси бундан 15-20 йил олдинги манзарасидан тубдан фарқ қилади. Ўзим кетмончилик қилиб юрган ўша йиллар ҳамон эсимда. Ишларнинг асосий қисми қўлда бажариларди. Ҳозир деҳқон меҳнати ҳам тўла механизациялашмоқда. Ҳали яқингинада гектаридан 20 центнер ҳосил кўтариб келган колхозимиз юбилей йилида 35 центнердан «оқ олтин» ундирди. Пахтадан салкам 1,6 миллион сўм фойда олдик. Чорвамиз рентабел тармоққа айланди. Бултур ундан 300 минг сўм даромад қилдик. Колхозчиларнинг ҳар бир меҳнат кунига қарийб 3,5 сўмдан ҳақ тўлашни мўлжаллаб турибмиз.

Мана бу аёл «Бешариқ» совхозининг донгдор бригадирларидан Паттинисо Анорова бўлади. Қўқон зонаси шароитида гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариш осон эмас.

Мандат комиссиясининг докладида айтилганича бор: ҳисобот даврида хотин-қизлардан анчагинаси ўз тақдирини Ленин партияси тақдири билан боғлаб, коммунистлар сафига кирди. Ўтган уч йил мобайнида партияга қабул қилинган 6600 дан зиёд ёш коммунистларнинг салкам 32 проценти хотин-қизларни, бу бундан олдинги уч йилда қабул қилинганлардан 11,5 процент кўпдир.

Ишчанлик қилинган ишларга янги вазифалар нуқтаи назаридан туриб баҳо беришга интилиш вазияти бутун конференция давомида ўзгармади. Ҳисобот доклади ҳам делегатларнинг кутганича бўлди: эришилган ютуқлар вазминлик билан баҳоланди, асосий диққат-эътибор ҳисобот даврида йўл қўйилган хато ва камчиликларни очиб ташлаш, шу асосда келгусидаги режаларни аниқ ва равшан белгилаб олишга қаратилди.

Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. Шамсиддинов Фарғона партия ташкилоти КПСС XXIII съезди ва ленинчи партиямиз Марказий Комитетининг Пленумлари қарорларини изчил амалга ошира бориб, асосий диққат-эътиборни беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, техника тараққиётини тезлаштириш, илғор фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратганлигини таъкидлади.

Ҳисобот даври улуғ Ленин юбилейига умумхалқ меҳнат кўтаринкилиги билан ўтди. Коммунистлар юбилей шарафига авж олдирилган социалистик мусобақага бош-қош бўлдилар. Область меҳнаткашлари саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми ва энг муҳим техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича беш йиллик планни муддатидан илгари, ўтган йил 22 ноябрдаёқ бажариб, пландан ташқари неча ўн миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Доҳиймиз В. И. Лениннинг меҳнат унумдорлиги — оқибат-натижада коммунистик меҳнат ғалабасига олиб келади, деган васиятини дилга жо қилган область саноати меҳнаткашлари беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлигини қарийб 13 процент оширишга муваффақ бўлдилар. Маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига салкам 10 миллион сўм тежам олдилар. Саноатнинг машинасозлик ва металл ишлаш, химия ва ёғочсозлик, енгил ва нефть ишлаб чиқариш турлари олдинги беш йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд ўсди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан делегатлар КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил сентябрь Пленуми белгилаб берган иқтисодий ислоҳот программаси муваффақиятли амалга оширилаётганлигини ва бу тадбир қувончли натижалар бераётганлигини зўр қониқиш билан таъкидладилар. Ҳозир областдаги 120 корхонадан 96 тасида планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги принциплари асосида иш олиб борилмоқда. Уларнинг кўпчилигида бошқаришнинг иқтисодий методлари муваффақиятли ўзлаштирилмоқда.

Ҳисобот даврида индустриал Фарғона янги корхоналар билан бойиди. Азот ўғитлари заводи ва сунъий тола заводининг иккинчи навбатлари, йилига 5 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқарадиган корхона, паррандачилик фабрикаси, Чодак кон бойитиш комбинати, нефтни қайта ишлаш заводида янги установкалар ва бошқа муҳим объектлар фойдаланишга топширилди.

Марказий Фарғонани ўзлаштириш йўлида ҳам муайян ишлар қилинди. 10 минг гектар ер текисланиб, фойдаланишга топширилди. Сув хўжалиги қурилишига капитал маблағлар кўплаб сарфланмоқда.

Корхона ва қурилиш ташкилотларидаги барча ходимлар чинакам ишчанлик ва оперативлик кўрсатганларида, катта моддий, меҳнат ва молия ресурсларидан тўлароқ фойдаланганларида, партия ташкилотлари ва барча коммунистлар меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлашга, ҳар бир ходимни топширилган иш учун юксак масъулиятни сезиш руҳида тарбиялаганларида, хўжалик соҳасидаги муваффақиятлар бундан ҳам зиёда бўлиши мумкин бўлур эди. Конференцияда бу ҳақда принципиал фикрлар юритилди. Докладчи ҳам, музокарада сўзга чиққан делегатлар ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқларини бажармаётган, ички резервлардан фойдаланишга эътибор бермаётган, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилишига муроса қилиб келаётган, меҳнаткашларни социалистик меҳнат интизоми руҳида тарбиялаш масалалари билан жиддий шуғулланмаётган хўжалик раҳбарларини, партия ва касаба союз ташкилотлари ходимларини тилга олдилар.

Бу ўринда улар область маиший хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи А. Жўрабоев, 8-қурилиш трестига қарашли йиғма темирбетон заводининг директори И. Т. Коростилев, Фарғонадаги пойафзал фабрикасининг директори Т. Абдусаидов, азот ўғитлари заводининг директори М. Бўрибоев каби айрим раҳбарлар фаолиятидаги хато ва нуқсонларни қаттиқ қораладилар. Коллективга, коммунистларга таяниб, улар билан бамаслаҳат иш юритиш ўрнига маъмуриятчиликка берилиб, коммунистга хос бўлмаган қалтис йўлга кириб кетганликлари учун уларга нисбатан тарбиявий чора эмас, балки ташкилий хулоса чиқаришга тўғри келди.

Конференцияда бундан буён ҳам кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, коллективда ўзини нотўғри тутадиган, жамоатчилик фикрига қулоқ солмайдиган, соғлом танқидни кўтаролмай жиззакилик қиладиган, маъмуриятчиликка, қўполликка йўл қўйиб, партия ва давлат интизомини бузадиган ходимларга нисбатан партиявий принципиаллик билан муносабатда бўлиш зарурлиги таъкидланди.

Делегатлар область халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини, айниқса қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни чуқур таҳлил қилдилар. Ўтган беш йил мобайнида Фарғона заршунослари Ватанга 2 миллион 375 минг тонна пахта армуғон этдилар. Пландан ташқари 55 минг тонна пахта топширилди. Ҳосилдорлик бундан олдинги беш йилликдагига нисбатан гектар бошига 3 центнер кўтарилди. Область 25 центнерлик довондан ошди. Лекин бундан ҳам каттароқ натижага эришиш мумкин эди. Кўпгина хўжаликларда агротехника тадбирларига риоя қилинмади, алмашлаб экишнинг илмий асосланган тадбирлари суст жорий этилмоқда, техникадан етарли фойдаланилмаётир. Шунинг оқибатида баъзи хўжаликлар ҳосилдорликни пасайтириб юбордилар. Конференцияда Қува, Бағдод ва Фарғона районларининг пахта етиштириш юзасидан беш йиллик планни бажара олмаганликлари қаттиқ танқид қилинди. Область бўйича 76 колхоз ва 7 совхоз гектар бошига 25 центнердан кам ҳосил кўтарди. Бултур 17 колхоз ва совхозларнинг учта бўлими давлат планини бажаролмай, 4 минг тонна пахтани кам берди.

Киров район партия комитетининг биринчи секретари **У. Бегматов**, Ўзбекистон районидаги Мингтут қишлоқ Советининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **О. Йўлдошева**, Охунбобоев район партия комитетининг биринчи секретари **Ғ. Назиров**, Фарғона районидаги Димитров номли колхоз бригадири **М. Каримова**, Олтиариқ район ижроия комитетининг раиси **А. Маматхонов** ва бошқа делегатлар ўз сўзларида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, чорвачиликни рентабелли қилиш, қишлоқ маданиятини ошириш масалаларига тўхталдилар ва бу ўринда қимматли таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

— Деҳқончилик маданиятини оширмасдан туриб, маҳсулот мўл-кўллигини таъминлаш мумкин эмас, — деди Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси **М. Шербўтаев**. — Бир вақтлари тут плантацияларини ташкил қилиш ўрнига, ҳамма ерга пала-партиш кўчат ўтказилганидан пахта майдонлари жуда майдалашиб кетган. 2032 гектар пахта етиштириладиган еримиз 1700 та майда картадан иборат. Ҳозиргача 400 гектар ерни йириклаштириб олдик. Лекин техника етишмаяпти. Иш шу суръатда борадиган бўлса, ҳамма карталаримизни йириклаштириб олишга анча йиллар керак бўлади.

Делегатлар партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни яхшилаш, партия ташкилотларининг оммавий-сиёсий ва тарбиявий иш услуби ва усулларини такомиллаштириш, уларнинг сиёсий раҳбарлик органи сифатидаги ролини кучайтиришга доир қимматли фикрларни ўртага ташладилар.

Конференция область партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолиятини маъқуллади ва тўққизинчи беш йилликнинг улуғвор вазифаларини амалга оширишнинг конкрет йўл-йўриқлари белгиланган қарор қабул қилди. Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **О. У. Салимов** қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг инспектори **М. Л. Ишков** иштирок этди.

Конференцияда обкомнинг янги состави, КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездига делегатлар сайланди.

Область партия комитетининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. **Ф. Ш. Шамсиддинов** обкомнинг биринчи секретари, **А. Ф. Гаврилов** иккинчи секретари, **В. Содиқов**, **Х. Зокиров**, **А. Маҳмудов** обком секретарлари этиб сайландилар.

**А. НАБИХЎЖАЕВ,**
**А. ЭШОНОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**

## СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

### НАМАНГАН

Ҳар кун, ҳар дақиқа бизни муҳим санага яқинлаштирмоқда. Бу муҳим сана — жонажон партиямизнинг навбатдаги XXIV съезди олди социалистик мусобақаси Наманган область шаҳар ва қишлоқларида кенг қулоч ёймоқда. Область меҳнаткашлари экономикани юксалтириш марраларини кўзлаб ишга киришдилар. Улар янги беш йиллик вазифаларини ҳам муваффақиятли адо этиш режаларини тузмоқдалар. Тажрибаларни кенг ёйиш ҳаракатини қилаётирлар.

Наманган область коммунистлари ўзларининг ўнинчи партия конференцияларида кейинги уч йил мобайнида қўлга киритилган ютуқлар, тажрибаларни таъкидладилар, йўл қўйилган камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Область партия комитетининг олдинги конференциясидан буён уч йил ўтди. Область партия комитетининг шу муддатдаги иш фаолияти ҳақида Наманган область партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев ҳисобот берди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан нотиқлар ҳисобот даври воқеаларга бой, экономикани юксалтиришда катта муваффақиятларга эришилган, партиявий-ташкилий ишлар ўз самарасини берган йиллар бўлганлигини ёрқин мисолларда атрофлича таҳлил қилдилар. Область коммунистлари — ишчилар, колхозчилар, халқ интеллигенцияси ўтган беш йиллик вазифаларини муваффақиятли адо этиш учун куч ва имкониятларни сафарбар этдилар, янги резервларни топиб ишга солдилар.

Беш йилликда бир қатор янги корхоналар қурилди ва реконструкция қилинди. Куни кеча шойи ва костюмбоп газламалар комбинатининг биринчи навбати тўла фойдаланишга топширилди. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш, қўл меҳнатини кескин камайтириш имконини берадиган мукаммал технология жорий этилди, янги техника воситалари ўрнатилди. Техникани тараққий эттириш учун кўрилган тадбирлар область саноатида халқ хўжалигига 8 миллион сўмдан кўпроқ наф келтирди. Наманган республикада ёппасига электрлаштирилган учинчи область саналади. Шаҳар-қишлоқларни бутунлай электрлаштириш белгиланганидан 1,5 йил илгари тугалланди. Беш йилликда электр тармоқлари 1,8 баравар узайди.

Буларнинг ҳаммаси кейинги йилларда партия ташкилотлари саноат ишлаб чиқариши билан астойдил шуғулланганлигининг натижаси бўлди. Химия заводи партия ташкилотининг тажрибаси диққатга сазовор. Завод партия ташкилотининг иши область комитетида кўриб чиқилди. Тажрибаларни оммалаштиришга қаратилган қарор қабул қилинди. Химия заводида техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш учун кўрилган тадбирлар натижасида корхона республикада биринчи бўлиб ишлаб чиқараётган маҳсулотига сифат белгиси олди.

Докладчи ва нотиқлар саноат ҳамда капитал қурилишдаги камчиликларни бартараф қилиш учун партия ташкилотлари ҳали анча ишлар қилишлари кераклигини кўрсатиб ўтдилар. Бир қатор корхоналарда маҳсулот сифатини яхшилаш, буюмларнинг таннархини арзонлаштириш, анчагина трест ва бошқармаларда қурилишлар суръатини тезлаштиришда коммунистларнинг масъулияти етарли даражада оширилмаган. Баъзи корхоналар ҳисобот даврида маҳсулот тайёрлаш ҳажмини камайтириб юборган. Учқўрғон ёғ-экстракция заводи иши кейинга кетаётган шундай корхоналардан бири ҳисобланади. Машинасозлик заводи кейинги уч йилда маҳсулот тайёрлаш планини фақат 88,3 процент бажарган.

Конференция қатнашчилари пахтачилик ва чорвачилик масалаларига катта эътибор бердилар. Область пахта тайёрлаш беш йиллик планини орттириб бажарди. Шу йиллар ичида наманганликлар республика пахта хирмонига 1 миллион 755 минг тонна ёки бундан олдинги беш йилликдагига қараганда 18 процент кўп «оқ олтин» тўкдилар. Ўтган йили эса давлатга салкам 375 минг тонна пахта сотилди. Ҳосилдорлик область бўйича 28 центнерга кўтарилди. Задарё райони пахтачиликни механизациялаштиришда энг юқори кўрсаткичга эришди. Шу билан бирга, делегатлар машина-трактор парки ишидаги жиддий камчиликларни қаттиқ танқид қилдилар. Пахтачиликни механизациялашда ҳали жуда кўп ишлар қилиниши зарур. Буни айниқса Наманган райони мисолида яққол кўриш мумкин. Бу район партия ташкилоти пахтачиликда машиналарга кенг йўл очиб бериш учун таъсирли чоралар кўрмаяпти.

Чорвачилик ҳисобот даврида рентабелли соҳага айланди. Беш йиллик план гўшт сотиш бўйича 104 процент, сут бўйича 102 процент, тухум 121 ва жун сотиш 109 процент адо этилди. Чорва моллар туёғи кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ортди. Афсуски, областда чорвачилик нисбатан секин суръатлар билан ривожланмоқда ва чорвачилик махсулотларига бўлган аҳоли талаби тўла қондирилмай келмоқда. Район партия комитетлари коммунистларнинг чорвачиликдаги масъулият ва жавобгарлигини оширишлари керак. Чорвачилик маҳсулотлари реализация қилишдан ўтган йили колхоз ва совхозлар 1 миллион сўмдан кўпроқ фойда олдилар. Бу, қишлоқ хўжалигининг шу тармоғини юксалтириш учун резервлар кўплигини кўрсатиб турибди.

Коммунистларнинг ишлаб чиқариш масалалари билан жиддий шуғулланишига область партия комитети алоҳида эътибор бермоқда. Ҳисобот даврида партия ташкилотлари структурасини такомиллаштириш мақсадида янгидан 169 бошланғич, 178 цех ташкилотлари ва 99 партия группаси ташкил қилинди. Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа тармоқларида партия ташкилотлари анча кўпайди.

Партия йиғилишлари — коммунистларни чиниқтириш мактаби. Шунинг учун ҳам областда партия йиғилишларини ўтказиш, уларга тайёргарлик кўриш масалалари билан жиддий шуғулланиладиган бўлиб қолди. Натижада партия йиғилишларида актуал масалалар кўпроқ муҳокама қилинмоқда. Коммунистларнинг активлиги ортди. Конкрет қарорлар қабул қилинадиган бўлди. Йиғилишларга шошилинч тайёргарлик кўрадиган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Бундай бошланғич ташкилотларда йиғилишларга кўпинча секретарларнинг ўзи тайёрланадию, ташкилотнинг бошқа аъзоларини сафарбар этмаслик практикаси бор. Баъзан кун тартибига кўплаб масалалар қўйилади, ҳеч кимга ҳеч қандай мажбурият юкламайдиган қарорлар қабул қилинади.

Область партия комитети раҳбар ходимларнинг сиёсий ва ишчанлик сифатларини чуқур ўрганиш, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш йўлини тутмоқда. Бу эса партия кадрлари составини яхшилашга ёрдам бермоқда.

Партиявий-ташкилий ишларни йўлга қўйишда ҳисобот даврида ибратли ишлар амалга оширилди. Область партия комитети ва унинг бюро аъзолари партиявий ишга ижодий муносабатда бўлдилар. Раҳбар ходимларнинг барча звенолари учун илғор хўжаликларнинг тажрибасини ўрганишга ёрдам берадиган семинарлар ташкил этилди. Шундай раҳбарлар ҳам борки, улар кадрлар билан ишлаш принципларига тўла амал қилмаяптилар. Задарё район партия комитетининг собиқ секретари Нормуҳамедов кадрлар танлашда партия принципларига хилоф иш тутди. Номуносиб ходимларни ҳимоя қилиш йўлига ўтиб олди. Колхоз ва совхозлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш ўрнига ўз шахсини баланд қўйишга уринди.

Партиявий ишда ижодкорлик, бу масалага илмий жиҳатдан ёндошиш, аниқ мақсадни кўзлаб планлаштириш муҳим ўрин тутади. Область партия комитети ўз фаолиятида узоқ муддатга мўлжалланган перспектив планлаштириш системасини қўллади. Перспектив планлар бир йилга мўлжалланди. Область партия комитети, шаҳар ва барча район партия комитетлари, 712 бошланғич партия ташкилоти перспектив план асосида ишламоқда. Партия конференцияларида кўтарилган масалалар муносабати билан энди икки йиллик перспектив план тузилаётир.

Область партия ташкилоти ҳисобидаги ҳар уч коммунистнинг бири ўтган йиғилишларда сўзга чиқди ва ўз мулоҳазаларини айтди. Бу эса ундан олдинги ҳисобот-сайлов йиғилишларидаги нотиқлардан анча кўпдир. Область партия ташкилоти омма орасида кўп қиррали ғоявий-тарбиявий ишлар олиб борди. Доҳий В. И. Ленин юбилейига тайёргарлик даврида айниқса бундай иш кенг қулоч ёйди. Ҳисобот даврида партия маорифи системасида сиёсий мактаблар ва назарий семинарлар бир ярим баравар кўпайди. Улардаги тингловчилар сони эса 2 ҳисса ортди. Идеология ишида лекция пропагандаси яхшиланди. Ҳозир областда 4 мингдан ортиқ сиёсий докладчилар, жамоатчи лекторлар, «Билим» жамияти аъзолари иш олиб бормоқда.

Музокараларда сўзга чиққан нотиқлар шу куннинг энг муҳим масалалари, КПСС XXIV съездига тайёргарлик, коммунистларнинг активлигини ошириш ҳақида гапирдилар. Улар ютуқларни санаб ўтиш билан бирга, ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларга эътиборни жалб этдилар. Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **И. К. Ҳусниддинов** саноат ишини яхшилаш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш масалаларига тўхталди. Тўрақўрғон район партия комитетининг биринчи секретари **М. Бобохонов** пахтачиликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ўртага қўйди. Шойи тўқиш фабрикасининг директори **К. Эгамбердиев**, Наманган районидаги Тельман номли ихтисослашган сабзавотчилик колхозининг бригада бошлиғи **О. Жўраев**, Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз чорвачилик бўлимининг бошқарувчиси **С. Вольф**, машинасозлик заводининг токари **Г. Харитонов** ўртоқлар меҳнаткашларнинг съезд олди мусобақасида кўрсатаётган ташаббуслари ҳақида гапирдилар.

Конференция қатнашчилари янги вазифаларни белгилаб олдилар. Энди гап сўз ва иш бирлигида қолган.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Т. Н. Осетров** қатнашди ва нутқ сўзлади.

Конференцияда Наманган область партия комитетининг янги состави, Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди ҳамда КПСС XXIV съездига делегатлар сайланди.

Янги сайланган область партия комитетининг биринчи пленуми бўлди. Пленум **А. А. Хўжаевни** Наманган область партия комитетининг биринчи секретари, **В. П. Куксенкони** иккинчи секретари ва **Т. Р. Рўзибоев**, **Х. О. Охунов** ўртоқларни обком секретарлари этиб сайлади.

**Ж. ХОЛҚОСИМОВ,**
**О. ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.**

